



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 25 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 211 (12.522)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛДИ

МИНСК, 24 октябрь. ЎзА махсус мухбири
Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 октябрь кунини Беларусь Республикаси пойтахти Минск шаҳрига келди. Бу ерда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат шахрига келди. Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлади.

Мамлакатимиз Президентининг давлат раҳбарларининг тор доирадаги ва кенгайтирилган таркибдаги учрашувларида иштирок этади. Музокараларда МДҲ доирасида кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболда уни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинади, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилади.

Ўзбекистон Ҳамдўстлик ташкил этилганидан буён унинг асосий органи фаолиятида иштирок этиб, иқтисодий интеграцияни ҳамда ички ва кўп томонлама муносабатларда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг кенг имкониятларини ривожлантиришни ёқлаб келади.

МДҲ саммити 25 октябрь кунини бўлиб ўтади.

(ЎзА)

25 октябрь — Ички ишлар
идоралари ходимлари кунини

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЭЛ-ЮРТИМИЗ ОСОЙИШТАЛИГИ ПОСБОНЛАРИ БАЙРАМИ

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги, генерал-лейтенант Б.Матлюбов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлашда муҳим омили бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда ички ишлар соҳасида ҳуқуқ-тартиботни ривожлантириш, жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизими яратилди, уюшган жиноятчилик, терроризм ва наркотрафикка қарши кураш янада кучайтирилмоқда. Тезкор-қидирув хизматлари ва тергов бўлимлари фаолияти мустаҳкамланиб, йўл ҳаракати хавфсизлиги, пост-патруль, шунингдек, ёнғин хавфсизлиги тизими замон талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилмоқда.

Маҳаллалардаги профилактика инспекторларининг бевоқифа фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигида аҳоли ўртасида олиб бораётган тартибот-тушунтириш ишлари, давлатимиз томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимоясига доимий эътибор қаратилаётгани шаҳар ва қишлоқларимизда муҳимнинг соғломлиги, юртимиз осойишталигига хизмат қилмоқда.

Бундай самарали тизимнинг шаклланишида шахсий тарихининг

Пойтахтимизда 25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари кунини бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

нафақат касб маҳорати, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини, балки маънавий-маърифий, сиёсий-ижтимоий ва ҳуқуқий билимини ошириш, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг хизматини рағбатлантириш борасида олиб борилаётган ишлар алоҳида аҳамият касб этаётди. Мустақиллик йилларида эл-юртимиз осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшган кўлаб ички ишлар идоралари ходимлари давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлгани бунинг яққол далилидир.

Президентимизнинг шу йил 23 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари кунини муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги кўп йиллик шавкатли меҳнати, шунингдек, хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлиги ва фидойилиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати учун ички ишлар идораларининг бир гуруҳ ходимлари Ватанимизнинг

юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Тадбирда ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

— Президентимизнинг ушбу фармони эл-юртимизнинг осойишталигини таъминлаш, ички ишлар тизимини мустаҳкамлаш ва соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб тақдирлашга қаратилаётган юксак эътибор ва ишончнинг амалдаги яна бир ифодасидир, — дейди «Содиқ хизматлари учун» медали соҳибни, Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи Отабек Шамсиев. — Ана шу ишончнинг оқлаш, ҳалқимиз тинчлиги, мамлакатимиз осойишталиги йўлида фидойилик билан хизмат қилишда бу юксак мукофот бизнинг зиммамизга янада улкан масъулият юқлайди.

Мамлакатимиз ички ишлар тизимида самарали хизмат қилаётган ходимлар, соҳа фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тантанали тадбирга санъаткорларнинг байрам концерти янада кўтаринки руҳ бағишлади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда шу йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари мавзусида семинар ўтказилди. Тадбирда сайловни ўтказишга кўмаклашувчи вилоят, туман, шаҳар комиссиялари раислари, ишчи гуруҳлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг жойлардаги бўлимлари вакиллари иштирок этди.

● Самарқанд шаҳридаги «Динамо» стадионида Самарқанд футбол тарихи музейи очилди. Музейда юртимиз, хусусан, Самарқанд футбол билан боғлиқ фотосуратлар, кубок ва медаллар, футболчилар ҳақидаги хотира ва эсдалик китоблари жамланган. Тадбирда фахрий футболчилар ва уларнинг оила аъзолари музейга ўз шахсий архивларида сақланаётган ноёб экспонатларни топширди.

● Термиз шаҳридаги «Фаровон-Инвест-Термиз» масъулияти чекланган жамиятида қурилиш учун зарур профнастил материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳсулотлар арзон, сифатли ва қулайлиги билан харидорларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўнга яқин ишчи меҳнат қилаётган корхонада бир кунда ўртача 3 тоннадан ортиқ профнастил тайёрланиб, харидорларга етказиб берилаётди.

● Нукусда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилган «Энг намунали патруль-пост саф бўлини» танловининг мамлакат босқичи якунланди. Унда Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан иштирок этган 15 жамоа аъзолари уч кун давомида ўзларининг билим ва касб малакаларини намойиш этди. Танловда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги патруль-пост батальони «Энг намунали патруль-пост саф бўлини» деб топилди.

ЖАҲОНДА

● Жорий йилнинг учинчи чорагида Хитойда ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,8 фоизга ўсган. Бу 2013 йилда қайд этилган энг юқори кўрсаткичдир. Шунингдек, июль — сентябрь ойларида мамлакатда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 10,2, савдо айланмаси эса 13,3 фоизга ўсган.

● Япониянинг «Toyota» автоконцерни АКШ, Канада, Мексика ва яна йигирта мамлакатда сотилган 885 мингта машинанинг қайтарилган ҳавфсизлик ёстиқчасида учраётган муаммолар сабаб бўлди. Аниқроғи, кўп ҳолатларда ана шу технологиялар тўсатдан ишлаб кетаяпти.

● Германиялик мутахассислар томонидан яратилган Tradinno деб номланган аждар қиёфасидаги робот Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олди. Гап шундаки, у қадам босиб юра оладиган дунёдаги энг катта робот ҳисобланади. Германиянинг Zollner Elektronik компанияси томонидан тайёрланган, узунлиги 15,5 метр, қанотлари ёзилиши кенглиги 12 метр бўлган ушбу робот юриши, қанотларини кўтариши, кўзларини айлантириши, оғзидан олов чиқариши мумкин бўлсада, фақат 11 тонналик темир мавжудот уча олмайди.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Сингапур Республикаси Бош вазири идорасидаги вазир, ташқи ишлар бўйича иккинчи вазир, атроф-муҳит ва сув ресурслари бўйича иккинчи вазир Грейс Фу раҳбарлигидаги делегация 24 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида музокара ўтказди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Сингапур ўртасида алоқалар изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик сиёсий, савдо-иқтисодий ва сармоявий, маданий-гуманитар соҳаларда изчил тараққий этмоқда. Мамлакатимизда сингапурлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 32 корхона фаолият юритмоқда. Улар энергетика, енгил саноат, озиқ-овқат, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби соҳаларга иxtисослаштирилган. Фан ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлиқни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Учрашувда мамлакатларимиз БМТ ва бошқа қатор нуфузли халқаро сиёсий ва молиявий институтлар

доирасида фаол ҳамкорлик қилиб келаётгани қайд этилди. Ўзбекистон билан Сингапур ўртасидаги алоқаларнинг бугунги аҳоли ва истиқбол, идоралараро муносабатларни кенгайтириш, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятда молик масалалар юзасидан фикр алмашилди. Келгусида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, сармоявий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш, илгор технологияларни жорий этган ҳолда қатор қўшма лойиҳаларни амалга оширишдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Сингапур делегацияси мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантириш юзасидан музокара ўтказди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Давлат консерваториясида иқтидорли талаба қизлар ўртасида анъанавий тарзда

ҳар йили ташкил этиладиган «Илм юлдузлари» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжумани «Ўзбекинвест» экспорт-

импорт суғурта компанияси томонидан аҳолига кўрсатилаётган суғурта хизматлари турларини янада такомиллаштириш, имтиёз ва афзалликлар яратиш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирларга бағишланди.

✓ **КЕЧА** Шайхонтоҳур туманидаги «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғинида «Фуқаролар йиғинларида жамоатчилик ва давлат идораларининг ҳамкорлигидаги тизими» мавзусида анжуман ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР
ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таштемиров Умид Махаматкаримович — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Тиллаев Хайрулла Кудратович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси ўта мураккаб ва узоқ давом этувчи ёнгинларни ўчириш бўйича ихтисослаштирилган отряди экипаж командири

Турсунов Юнус Сайдуллаевич — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

Тухтаев Бахрулла Бабамурадович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Хайтов Мансур Султонбаевич — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

«Содиқ хизматлари учун» медали
билан

Ахмедов Рустамжон Давлатбекович — Сирдарё вилояти Боёвут тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Бекмирзаев Турсунбой Алмидинович — Андижон вилояти Аска тумани ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги отряди бўлими командири

Борхужаев Азизжон Махаматжонович — Тошкент вилояти Бўка тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Каримов Ойбек Толибжон ўғли — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси тергов бошқармаси катта терговчиси

Нуритдинов Хусниддин Джуманазарович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси тезкор вакили

Тошов Ибод Муродович — Бухоро вилояти Бухоро тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Усмонов Рўзибой Арабович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

Шаймарданов Исмаилов Элмирзаевич — Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими катта инспектори

Шамсиев Отабек Бахронович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи

Шеров Улугбек Умарович — Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги отряди ёнгин ўчирувчиси

«Шухрат» медали билан

Абдуллаев Дониёр Абдурасулов — Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Давлат фельдъегерлик хизмати катта инспектори

Давранов Илхом Шавкатович — Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги отряди смена бошлиғи

Қиличев Шерзод Саъдуллаевич — Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори

Махмудов Шероват Салимович — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш колонияси бошлиғининг ўринбосари

Нуримов Махмуд Хазирбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори

Пулатов Латиф Азимович — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи

Убаев Тохиржон Қаххорович — Наманган вилояти Қосонсой тумани ички ишлар бўлими ҳузуридаги қўриқлаш бўлими милиционери

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВТошкент шаҳри,
2013 йил 23 октябрьЎЗБЕКИСТОН ВА БМТ
ҲАМКОРЛИГИГА
БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил топган кун ҳамда Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигининг 20 йиллигига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари, жамоат тузилмалари, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон дунёнинг кўплаб давлатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётгани, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва таъки тобора юксалиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг алоқалари изчил ривожланмоқда. 2000 йилда қабул қилинган БМТнинг Мингйиллик ривожланиш декларациясини қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон бу борада юксак натижаларга эришмоқда. Иқтисодий-ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган дастурлар мамлакатимизни янада ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда муҳим омил бўлаётди. 2011-2015 йилларда Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирларига оид давлат режаси бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда БМТнинг бир неча таркибий тузилмалари билан ҳамкорлик доирасида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотида Ўзбекистон раислик қилган 2010 йилда БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг мамлакатимизга ташрифи асосида БМТ ва ШХТ қотибиялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларация имзолангани Марказий Осиёда интеграция жараёнини фаоллаштириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда мазкур икки ташкилотнинг иштирокини кенгайтиришга хизмат қилаётди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон билан иқтисодий, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби кўплаб соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. ЎЗА муҳбирига деди БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Стефан Приснер. — Ўзбекистонда Мингйиллик мақсадларига эришишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий-ижтимоий, фан, таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги дастурлар самарасида изчил ривожланиш кузатилмоқда. БМТ Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни юксак қадрайди ва қўллаб-қувватлайди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигида амалга оширилаётган лойиҳалар, БМТ таркибий тузилмалари фаолияти ҳақида маълумот берилди.

Нодира МАНЗУРОВА

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2013 йил 12 сентябрдаги «Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилади.

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК
ҚИЗГИН

Таъкидлаш жоиз айтиш кунларда шаҳримиз туманларида ана шу жараёнга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Олмазор туман ҳокимлигида ўтказилган семинарда ҳам айнан шу ҳақда сўз юритилди.

Семинарда сўзга чиққанлар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни қонун талаблари асосида юқори савияда ўтказиш масалаларига алоҳида эътиборни қўриқлаш бўлими милиционери

Бугунги кунда республикада муҳим тадбир бошланган, — дейди «Шодлик» маҳалласининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича октябрь ойидан бошлаб бир неча тадбирлар ташкил этилди. Биринчи навбатда ишчи гуруҳ сайланиб шу кунгача улар иштирокида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Энг аввало ишчи гуруҳнинг вазибалари белгиланди. Шу ўринда айтиш жоизки маҳалламиз ҳудуд

дида сайлаш ёшига етган аҳолининг сони 4263 тани ташкил этади. Сайловни юқори даражада ўтказиш учун барча шароитларни яратишга эришмоқдамиз.

Мазкур тадбир давомида ишчи гуруҳларнинг вазибалари нимадандан иборат эканлиги яна бир бор тушунтириб ўтилди. Сайловни юқори савияда ўтказишда бу каби учрашувларнинг аҳамияти катта.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзоси, сенатор Эркин Рўзметов, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Тошкент шаҳар комиссияси раиси Сотиболди Бобоқулловларнинг маърузалари тингланди.

Тадбирда йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

Зиёда РАСУЛОВА
Қозим Ўлмасов олган суратлар

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2012 йил 24 октябрда қабул қилинган қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур кенгаш томонидан ўтган вақт мобайнида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

Ватан ҳимояси —
муқаддас бурчЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ
ЙИҒИЛИШИ

Кенгаш раиси И.Мирзаалиев ва бошқалар давлатимиз раҳбарининг қароридида белгиланган вазибаларни изчил таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган дастур ва режалар асосида ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший ва хизмат шароитини яхшилаш, резервга бўйлаб ҳарбийларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ҳарбий қисмларда соғлом маънавий-руҳий муҳитни таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилганини таъкидлади.

Ўтган бир йил мобайнида Жамоатчилик кенгаши томонидан олий ҳарбий таълим муассасалари ва ҳарбий қисмларда Олий Мажлис Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат намояндalари иштирокида кўплаб, жумладан, «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди, кўргазмалар ташкил этилди. Уларда истиклол йилларида халқимиз эришган улкан ютуқлар, кенг кўламли ислохотлар самаралари, қонун ижодкорлигида рўй бераётган ўзгариш ва янгилликлар, мамлакатимиз Қурулди Қурулдида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини атрафлича тушунтириш, ҳарбий хизматчиларда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари жойларга чиқиб, ҳарбийларнинг хизмат, оила аъзоларининг яшаш ҳамда дам олиш шароитлари билан яқиндан танишди. Ҳарбийга қақирилувчилар ва уларнинг яқинлари билан суҳбатлар ўтказди. Жамоатчилик кенгаши томонидан Ватан олдидаги муқаддас бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахридорларининг ҳолидан хабар олиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Бу ишлар доирасида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, навқирон авлодни «оммавий маданият» таъсиридан муҳофаза қилиш, иқтисодий-интеллектуал салоҳиятини рўйбга қилиш, ҳарбий-спорт мусобақаларини ўтказишга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб боришмоқда.

Йиғилишда Жамоатчилик кенгашининг истиқболдаги асосий вазибалари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Қурулди Қурулди ташкил этилганининг 22 йиллигига тайёргарлик кўриш бора-сида амалга оширилаётган тадбирлар белгиланган олинди.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎЗА муҳбириЯккасарой туман
ҳокимлигидаИШ ЎРИНЛАРИ
ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Яккасарой тумани ҳокимлиги томонидан жорий йилнинг 30 сентябрида «Яккасарой туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2014 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида»ги 356-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга асосан Яккасарой туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 128 та ташкилотларда тоифалар бўйича 1583 та иш ўринлари банд қилиниб, 2013 йил якунидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун ҳамда 2014 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган 75 фоизини яратиш тўғрисида буйруқ чиқариб, унинг нусхаларини туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйилган иш ўринларини белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар қўшимча иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисmini туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Қарорнинг тўлиқ матни билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ТОШКЕНТДА «INFOLIB
UZBEKISTAN – 2013»
ҲАФТАЛИГИ БЎЛИБ
ЎТАДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида яқинда ўтказиладиган «Infolib Uzbekistan – 2013» миллий ахборот-кутубхона ҳафталигига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

«Infolib Uzbekistan – 2013» ҳафталиги мамлакатимизда иккинчи марта ташкил этилмоқда. Тадбир Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда. Бу йилги ҳафталик 28 октябрдан 1 ноябрга қадар давом этади.

Матбуот анжуманида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Асаджон Хўжаев Президент Ислон Каримов раҳнамолигида ёш авлод дунёқарабини кенгайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун барча шарт-шароитлар яратилганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилган Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг муҳташам биносидида бўлиб ўтадиган «Infolib Uzbekistan – 2013» миллий ахборот-кутубхона ҳафталигининг асосий мақсади ўқувчи ёшларнинг ахборот маданияти даражасини ошириш, халқимизнинг маънавий меросини бойитиш, китобхонликни оммалаштириш, фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизматини кўрсатишда интернет имкониятларини кенгайтириш, замонавий инновацион ва таълим технология-

ларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, ҳаётимизда кутубхонанинг ижтимоий-маданий аҳамиятини оширишдан иборат.

Ҳафталик доирасида кутубхонада экскурсия ташкил этиш, давра суҳбатлари, маърифий тадбирлар, кўргазмалар, маърифат даргоҳи видеотекасидаги фильмлар намойиши ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси лойиҳаларининг тақдироти ўтказиш кўзда тутилган. Шу билан бирга, машҳур ёзувчи ва шоирлар, мусавирлар, режиссёрлар, ёшлар ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида учрашувлар ҳам бўлиб ўтади.

Матбуот анжуманида «Infolib Uzbekistan – 2013» ҳафталигининг бу йилги дастури анча кенгайтирилгани қайд этилди. Унинг доирасида 35 дан ортиқ тадбир ўтказиш режалаштирилмоқда. Масалан, ёшлар эътиборини қўриқлаш бўлими милиционери

«Infolib Uzbekistan – 2013» ҳафталиги давомида нодир нашр ва қўлёмаларни консервация ва реставрация қилиш бўйича ташкил этиладиган уч кунлик амалий семинарда мамлакатимиз ахборот-кутубхона муассасалари ҳамда архивлари мутахассислари иштирок этади.

Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА муҳбири

2013 йил — Обод турмуш йили АҲОЛИ БАНДЛИГИ — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий марказида меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир дастурлар ижросига бағишланган йиллиги бўлиб ўтди. Тадбирда тегишли вазирлик, идора, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Йилгилида Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази директори Ш.Қудиев ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов томонидан узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоя сиёсати жаҳондаги молиявий инқирознинг давлатимиз иқтисодиётига салбий таъсирининг олдини олиш, барқарор ривожланишни таъминлаш, халқимизни ижтимоий муҳофазалаш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича йиллик дастур асосида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Обод турмуш йилида бу борадаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

Мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик, кичик бизнес ва касаначиликни қўллаб-қувватлашнинг мустақам ҳуқуқий асослари яратилган. «Коллеж-корхона», «устоз-шогирд» аъёнлари асосида касб-ҳунар коллежлари ва ишлаб чиқарувчилар ўртадаги ҳамкорлик тобора ривожланмоқда.

Йирик sanoat корхоналарини модернизациялаш, техник ва тех-

нологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришга тежамкор технологияларни жорий этиш, янги ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура иншоотларини барпо этиш бўйича кенг қамровли лойиҳалар ҳаётга изчил татбиқ этилаётди. Бундай чора-тадбирлар натижасида 2013 йилнинг ўтган 9 ойида 833,4 мингта янги иш ўрни яратилди. Ушбу иш жойларининг катта қисми қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Аҳоли, хусусан, ёшларнинг бундай янги иш ўринларидан хабардорлигини ошириш мақсадида маҳаллаларда, таълим масканларида бўш иш ўринлари ярмаркалари, очик эшиклар кунли каби тадбирлар ташкил этилмоқда. Маҳаллаларда бўш иш ўринлари бўйича маълумотлар бериш тизими йўлга қўйилди. Аҳолининг ишсиз қисmini меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб замонавий соҳалар бўйича қайта ўқитиш тизими ўз самараларини бермоқда.

Йилгилида янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини янада ошириш, бу борадаги ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни янада такомиллаштириш юзасидан амалга оширилган ишларга оид маърузалар тингланди.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ион-плазма ва лазер технологиялари институти томонидан ташкил этилган IPES – Физика электроникаси бўйича VI халқаро конференция бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиздаги илмий-тадқиқот муассасаларининг олим ва мутахассислари, шу йўналишда фаолият кўрсатаётган олий ўқув юртлири ўқитувчилари, ёш тадқиқотчилар, ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари, шунингдек, МДХ давлатларидаги илмий ҳамжамият вакиллари қатнашди.

Илм-фан ҳар қандай давлатнинг муҳим капитали бўлиб, кўп жиҳатдан унинг бугунги кунини ва келажagini белгилайди. Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида илм-фан билан боғлиқ ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга қаратилган давлат илмий-техникавий сиёсатининг амалга оширилаётгани иқтисодиёт реал сектори тармоқлари ва умуман, мамлакатимизни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Бугун ишлаб чиқаришнинг илгир технологиялар асосида модернизация қилиш, илмий-техник салоҳиятдан самаралироқ фойдаланиш, Ўзбекистон иқтисодиётининг инновацион тараққиёт йўлига ўтиши муҳим аҳамият касб этаётди. Бу мақсадларга эришмоқда янги электроник соҳа ва қурилмаларни ишлаб чиқиш ҳамда яратиш асосини ташкил қилмаган физикавий ҳодисалар тадқиқоти билан шуғулланаётган физика электроникаси алоҳида ўрин тутди. Илм-фан ютуқларидан металлургия, машинасозлик, қишлоқ ҳўжалиги, тиббиёт, экология, кимё соҳаларида кенг фойдаланилаётгани салмоқли натижалар бермоқда.

Мамлакатимизда физика электроникаси бўйича олтинчи марта ўтказилаётган халқаро конференция олимларимизнинг физика

ФИЗИКА ЭЛЕКТРОНИКАСИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

электроникаси соҳасидаги фундаментал ва амалий ютуқларини намойиш этиш, истиқболдаги тадқиқотларнинг долзарб йўналишларини белгилаш, уларни амалда қўллаш учун илмий натижаларни умумлаштириш, хорижий олимлар билан ўзаро муносабатларни кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти С.Лутфуллаев, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти директори Х.Ашуров ва бошқалар шулар ҳақида сўз юритди. Институт физика электроникаси, оптика, ион-плазма технологиялари, лазер физикаси ва технологияларини ривожлантириш, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашда муносиб ҳисса қўшаётгани таъкидланди. Энг муҳими, ушбу илмий-тадқиқот муассасаси олим ва мутахассислари фундаментал тадқиқотлар давомида олинган назарий ҳулосаларни амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Қўллаб-қувватлаш ва илмий-амалий йўналишлар ҳамда инновацион грантлар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилаётган, — дейди Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг лаборатория мудирини Уткир Расулов. — Бизнинг илмий

муассаса ишланмалари мамлакатимиз ва хорижда икки юздан зиёд патент билан ҳимояланган. Шуниси диққатга сазоворки, институт базасида яратилган қўллаб-қувватлаш технологиялар чет эллик мутахассислар эътиборини тортди, кенг эътироф этилаётди. Масалан, Япониянинг «Nippon Steel» корпорацияси мазкур институтдан металл юзасини вакуумда электр дугали тозалаш технологияси учун лицензия олди. Бу технология металлургия, машинасозлик, электроника ва бошқа sanoat тармоқларида кенг қўлланилмоқда. Швейцариянинг «George Fisher» компанияси эса электр ўтказгич материаллар, ярим ўтказгичлар ва диэлектрикларга электррозон ишлов бериш учун патент олди. Ион-плазма ва лазер технологиялари институти базасида яратилган инфрақизил нурланишни сезаётган мосламадан мамлакатимизда «Сезгир» ёнги датчиги ва ҳимоя датчигларида кенг фойдаланилаётди. Наркотиклар ва бошқа хавфли моддаларни аниқлаш учун юзаси ойнашган индикатор ҳам ишлаб чиқилган.

Конференцияда физика электроникасининг турли йўналишларида бағишланган маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

(Ў.А)

ОБОД ШАҲРИМ — ОЗОДА ШАҲРИМ

ҳар шанба — тозалик кунин

ХУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Шаҳримизнинг янада кўркам бўлиши, кўчаларимизнинг орасталиги, маҳаллаларимизнинг озода ва ободлигига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканлигини унутмайлик, тозалик ва ободонлаштириш ишларида фаол бўлайлик!


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



**Саноат корхонаси
ишлаб чиқариш
жараёнига тажрибаси
бўлган**

— 4-6 тоифали электр
монтажчилар;
— 4-6 тоифали
электрикларни доимий
ишга қабул қилади.

Иш ҳақи 2 миллион сўм
ва ундан юқори.



**Корхона ишчиларни хизмат
транспорти, бепул овқат
билан таъминлайди. Иш ҳақи
ўз вақтида туланади.**

(90)352-36-05
(90)982-56-44
Мулоқот учун телефонлар:
(93)172-44-07
(90)167-17-58

БАРЧА КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР, УЙ-ЖОЙ, МУЛК ВА ИЖАРА ТЎҒРИСИДА

«Тошиссиқликқуввати» ИЧБ фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

«Тошиссиқликмарказ» ОАЖ, «ТошИЭМ» ОАЖ, «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК иссиқлик манбалари ва корхонанинг иссиқлик тармоқлари бўйича иссиқликни ташиб беришни амалга ошираётган бошқа иссиқлик манбаларига уланган Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятининг айрим туманлари истеъмолчиларини иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти билан сифатли, узлуқсиз ва ишончли таъминлаш; ишлаб чиқариш ишлари хавфсизлигини таъминлаган ҳолда «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК иссиқлик тармоқлари, иссиқлик манбалари, насос станциялари ва иссиқлик тармоқлари қурилмаларидан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича хизмат кўрсатишни, шунингдек бошқа турдаги фаолиятни ташкил этиш; аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ҳамкорлиги ривожлантириш, чуқурлаштириш ва такомиллаштириш учун имкон топиш.

Ўз мақсадлари ва вазифаларига эришиш учун корхона фаолиятида қуйидаги ишларни амалга оширади:

«Тошиссиққуввати» ИЧБ УК тасарруфида бўлган иссиқлик манбалари (қозонхоналар)да иссиқлик энергияни ишлаб чиқариш;
«Тошиссиқликмарказ» ОАЖ, «ТошИЭМ» ОАЖ ва бошқа идора ва ташкилотлар иссиқлик манбаларида ишлаб чиқарилган иссиқлик энергияни сотиб олиш ва қайта сотиш;
«Тошиссиққуввати» ИЧБ УК тасарруфида бўлган иссиқлик манбалари, иссиқлик манбаларида ишлаб чиқарилган иссиқлик энергияни етказиб бериш; «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК тасарруфида бўлган (қозонхона, марказий иссиқлик пунктлари, иссиқлик тармоқлари ва насос станциялари) иссиқлик таъминоти тизимларидан фойдаланиш, уларни жорий ва муқаммал таъмирлаш; аҳоли иссиқлик энергиядан фойдаланиш масалаларига қатъий эътибор бериш.

Коммунал хизматлар кўрсатиш, улардан фойдаланиш ва тўловларни амалга ошириш тартиби

1. Хизматлар, муниципал, коммунал ва идоравий фондларига қарашли турар жой уйларда яшовчи фуқароларга ижара шартномаларига мувофиқ, шунингдек, хусусий уй-жой фондларда яшовчи фуқароларга, ҳамда, кўп хонадонли уйларда истиқомат қилувчи мулкдор шахслар билан турар жой уйларига техник хизмат ёки коммунал хизматларни кўрсатиш шартномаларига асосан амалга оширилади.

2. Истеъмолчига кўрсатилаётган хизматлар тартиби, турар жой ёки хонадонларнинг қулайлигига биноан аниқланади.

3. Хизматлардан фойдаланиш шартнома ва қонунда назарда тутилган тартибга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

4. Хизматлар учун тўлов тарифлари Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан белгиланади.

5. Хизматлар учун тўлов даври бир тақвимий ойда белгиланади, тўловларни амалга ошириш муддати — ўтган ой учун кейинги ойнинг 10-санасигача белгиланади.

6. Кўрсатилган хизматлар учун тўловлар амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

7. Шартномада белгиланган хизматларнинг сифат даражаси ўзгарган ҳолларда, Истеъмолчи томонидан амалга оширилган тўловлар миқдори қайта ҳисоб-китоб қилинади.

8. Фуқаролар соғлиги ва ҳаётига етказиладиган хавфни ёки мулкка зиён етишини бартараф этиш,

ёки енгиб бўлмайдиган куч оқибатини олдини олиш билан боғлиқ хизмат кўрсатишдаги узилиш ҳолатларида тўловларни қамайтиришга йўл қўйилмайди.

1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

Истеъмолчининг ҳаёти ва соғлиги учун хавфсиз ва мулкка зарар келтирмайдиган сифатли, белгиланган ҳажмдаги хизматлардан фойдаланиш;
Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ Ижрочи томонидан кўрсатилган қонини қарсиз хизматлари учун истеъмолчи ҳаёти, соғлиги ва мулкка, шунингдек, унга етказилган барча маънавий зарарларни қоплатишни талаб қилиш;
хизмат кўрсатиш давридаги шартномада белгиланган узилишлардан ортиқроқ узилишлар вақти учун тўловларни амалга оширмаслик. Бу ҳолда, тўловлар тўлатилиши Ижрочи томонидан етказилган барча зарарларни қоплатишдан озод этмайди;
хизмат кўрсатиш чоғида аниқланган камчиликларни бартараф этишни шартномада белги-

керак. Пеня миқдори хизматлар қийматидан ошиб кетмаслиги лозим.

Ижрочининг ҳуқуқи, мажбурияти ва жавобгарлиги

— истеъмолчи тўлов муддатларига амал қилмаган ҳолатларда, шартномада кўзда тутилган чораларни кўриш;
— истеъмолчининг муҳандислик жиҳозлари ҳолатини кўридан ўтказиш ва истеъмол назоратини амалга ошириш;
— кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз муддатида амалга оширилмаган тақдирда бир ой олдин Истеъмолчини оғохлантириш шартли билан шартнома ижросини бир томонлама тартибда тўхтатиш;
— коммунал хизматлар кўрсатиш учун шартнома лойиҳасини тайёрлаш ва уни тузиш бўйича ўз вақтида чоралар кўриш;
— белгиланган тартибда сифатли хизмат кўрсатиш;
— маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари билан келишилган ҳолда белгиланган хизматлар сифати ва носозликлари таъмирлаш муддати бузилиши бўйича Истеъмолчиларнинг даъво ва талабларини қайд қилиш тартибини белгилаш;
— истеъмолчига кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилган ҳолларда ўз вақтида олдини олиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
— хизматлар сифати ўзгарганлиги ҳақида Истеъмолчини ўз вақтида хабардор қилиш; технология жараёнининг бузилишига, хизмат сифати пасайишига йўл қўймаслик, сув ва энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, истеъмол таркибини ва хизмат сифати даражасини ошириш чораларини кўриш.

Ижрочи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва шартномага мувофиқ сифатли хизмат кўрсатиш учун жавобгардир.

Ижрочи шартнома имзолангандан сўнг хизмат кўрсатишни бошламас, Истеъмолчи хизмат ҳақини қамайтириш ва вужудга келган зарарни қоплатишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Истеъмолчи белгиланган тартибда уланishi тармоғига биринчи бор ҳақиқий улангандан бошлаб шартнома кучга кирган деб ҳисобланади. Кўрсатилаётган хизматлар сифатида камчиликлар аниқланган тақдирда Истеъмолчи Ижрочидан хизмат тўлови қамайтирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ижрочи шартномада белгиланган камчилик ва носозликларни бартараф этиш, шунингдек хизматлар сифати ва йўл қўйиладиган узилишлар муддатларига риоя қилмагани учун Истеъмолчига кеңиктирилган ҳар бир кун ёки соат (агар муддати соатбай белгиланган бўлса) учун кўрсатилган хизмат ҳақининг 1 фоиз миқдоридан жараима (пеня) тўлайди.

Ижрочи Истеъмолчи ҳаёти, соғлиги ёки мулкка етказган зарарларни ҳамда маънавий зарарлар учун амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ белгиланган тўлиқ миқдорда ва тартибда жавобгардир.

8. Агар кўрсатилган хизматлар сифатининг пассиви енгиб бўлмайдиган куч ёки истеъмолчининг коммунал хизматларидан фойдаланиш қоида-талабларига риоя қилмагани оқибатида вужудга келгани Ижрочи томонидан исботлаб берилса бу тақдирда жавобгарликдан озод қилинади.

Диспетчерлик таъминоти бошқармаси (ДТБ) тизимда тезкор раҳбарлиқни амалга ошириб, Истеъмолчиларни узлуқсиз иссиқлик билан таъминлайди, бирлашманинг иссиқлик тармоқларида ва иссиқлик манбаларидаги носозликларни бартараф этади. Зарур бўлганда тел.: 055. 215-72-73, 256-03-17, 256-45-50 телефонига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

Музаффар ХОДЖАЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим бошлиғи

11. ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИГА ҚАРАШЛИ «ТОШИСИҚҚУВВАТИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ТОМОНИДАН АҲОЛИГА ПУЛЛИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ

ланган муддатларда ижро қилинишини талаб қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунда белгиланган тартибда давлат ва суд ҳимоясидан фойдаланиш.

2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

— кўрсатилган хизматлар учун шартномада белгиланган муддатда тўловларни амалга ошириш;
— кўрсатилган хизматлардан оқилона ва мақсадли фойдаланиш;
— мазкур қоида ва шартномада белгиланган хизматлардан фойдаланиш тартиб-қоидаларини бузган ҳаракатларга йўл қўймаслик;
— хизматлардан фойдаланишда техника хавфсизлиги талабларига риоя қилиш;
— иссиқлик таъминоти қурилмалари билан ишлаш ҳуқуқига эга бўлган Ижрочи вакиллари, ҳамда махсус корхоналарига корхона раҳбарияти томонидан берилган гувоҳнома бўлган тақдирда аварияларни бартараф этиш учун кундузги вақтда муҳандислик, ўлчов ва назорат ускуналарини текширишга имконият бериш.

3. Истеъмолчига қуйидагилар таъқиқланади:

— Ижрочининг руҳсатисиз ички муҳандислик тармоқларини қайта жиҳозлаш;
— мавжуд бўлган тармоқларга ўзбошимчалик билан уланishi ёки уларга қўйиладиган насос станциялари ва бошқа ускуналарни ўрнатиш;
— хизмат кўрсатишда бўлган ҳисобга олиш асбобига тегиш;
— хизматларни ҳисобга олиш схемаларини бузиш;
— иситиш тизимидаги иссиқлик ташувчи муҳитдан мақсадга зид равишда фойдаланиш (иситиш тизими ва асбоблардаги сувни тўкиш);
— хизматлардан номувофиқ равишда фойдаланиш.
4. Коммунал хизматлари учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилмаган тақдирда Истеъмолчи шартномада белгиланган миқдорда жараима (пеня) тўлайди, бироқ муддати ўтган ҳар бир кун учун тўловлар муддати ўтган тўлов миқдорининг 0,5%дан ошмаслиги

Йўловчи ташиш бўйича «Тошшаҳар-трансхизмат» уюшмаси ва унинг таркибига кирувчи «Тошавтобустранс» ва «Тошпас-ремсервис» акциядорлик компаниялари, «Тошэлектротранс» давлат компанияси тугатилди.

Тугатилган «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси, акциядорлик ва унитар транспорт ташкилотлари негизда «Тошшаҳар-трансхизмат» акциядорлик компанияси ташкил қилинди.

«Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг, «Тошавтобустранс», «Тошпас-ремсервис» акциядорлик компанияларининг ҳамда «Тошэлектротранс» давлат компаниясининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

Даъво аризалари мазкур эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой ичида Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда қабул қилинади.

Тошкент шаҳар сув ҳўжалиги бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи Ғаниев Абдуқоҳҳор Джалаловичга умр йўлдоши

Матлубахон ҒАНИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Ю. Ражабий номли Тошкент Педагогика коллежи маъмурияти ушбу коллеж ўқитувчиси

Зумрад Тилиевана **УБАЙДУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 26 октябрь кунини ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг қорға айланishi эҳтимоли бор. Ғарбдан секундида 5-10 метр, кучайган ҳолда 12-17 метр тезликда шомол эс-ди. Ҳарорат кечаси ва кундузи — 6-8 даража ишиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 26-28 ва эрталаб 29 октябрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолishiга имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиш таъмиқдори паст бўлади.

